



## DIDACTIC SUPPLY OF DISTANCE EDUCATION

Scientist Botirov

Director of the Center for the introduction of e-learning in  
educational institutions under the Ministry of Higher and Secondary Special Education.

### Annotation:

The article discusses the didactic support of distance learning, the importance of the principles of learning in distance learning, ensuring the quality of the educational process.

**Key words:** distance learning, educational process, teaching principles, distance learning, science, quality of education, motivation.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар негизида олий таълимни тизимли ислоҳ қилиш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, халқаро тажрибаларга таянган ҳолда илғор таълим технологияларини амалиётга жорий қилиш устивор вазифа сифатида қаралмоқда. **Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганлариdek** “Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шиҷоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.”. Шу нуқтаи назардан масофавий таълимнинг дидактик асоси- ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методлари ва услублари ва принципларининг мажмуасидир. Бизга маълумки таълим жараёнини ташкил этишда ўқитиш жараённи дидактик принципларига асосан ташкил этилади, шу боис дидактик принциплари масофавий таълим шакллари учун ҳам асос бўлади.

### Жумладан:

1. Таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи характерга йўналтирилганлик принциплари асосида талабанинг билиш фаолиятининг креатив тавсифи яъни ахборотларни ўз тафаккури ва мотивацияси орқали қабул қилиш натижасида криатив фаолияти шаклланади.
2. Ўқитишнинг илмийлик принципини масофавий таълим жараёнда амалга ошириш талабани маълум фан бўйича ўқитишнинг мазмуни бўйича илмий далиллар, тушунча ва конуниятлари ҳамда назариялар билан қуроллантиришни назарда тутади.
3. Таълимнинг фундаменталлик принципида талабанинг юқори мотивация талаблари, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, ўз хатоларини тузатиб бориши кабилар билан характерланади.
4. Тизимилилк ва кетма-кетлик принципида масофавий таълимда талабанинг индивидуал таълим олиш бўйича режали принципи, талаба таълим олиш фаолиятини тезлаштириш мақсадида, ўқув жараёнининг барча даражаларида танлаш тизимини шакллантиради.
5. Ўқув материалларини мустаҳкам ўзлаштириш принципида талабанинг реал ўқув имкониятлари даражасида ташкил этилиши ва бунда талабанинг интеллектуал-маънавий даражасини ривожлантиради.
6. Масофавий таълимда талabalарнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципида ҳар бир талабанинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, масофавий курсларнинг модули ишлаб чиқилади.



7. Кўрсатмалилик принципида талабанинг билиш психик жараёнлари инобатга олган ҳолда таълимнинг сифатини таъминлаш назарда тутилади, яъни видеофильмлар, компьютернинг ўргатувчи дастурлари, интерфаол технологиялардан кенг фойдаланиш, кўргазмали материаллардан, мультимедиа ресурслар.

8. Масофавий таълимда таълим натижаларини баҳолаш принципида талабанинг ўқув материалини ўзлаштирганлик даражаси маҳсус онлайн синовлар орқали амалга оширилади.

Масофавий таълимнинг дидактик асосларини яратишда ўқув материалларини модулли таълим технологияларига таяниб яратиш мақсадга мувофиқдир. Фаннинг алоҳида боби ёки бир неча мазмунан бир бирига яқин боблари катта модулни, ундаги алоҳида мавзулар ўрта модулни, мавзу режалари эса кичик модулларни ташкил қилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологияси анъанавий ўқитиш технологияларига алтернатив ҳолда, мавжуд педагогик технологиялардаги барча назарий ва амалий прогрессив технологияларни ўзида мужассам этган технология ҳисобланади. Модулли ўқитишнинг моҳияти - талаба модуллар билан ишлаш жараёни орқали ўқув мақсадига мустақил ҳолда эришади. Ўқитувчи маълум кетма-кетлик асосида дидактик вазифалар мураккаблашадиган ва модуллар мажмуудан иборат дастур ишлаб чиқади. Дастурда талабага кириш ва оралиқ назоратлари орқали педагог ҳамкорлигига ўқув материаллари устидан ўз-ўзини бошқариш имконияти яратади.

### **Фойданилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 29 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сонли“ Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори.